



Кредитлар тадбиркорлик ривожига хизмат қилади

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш банклар олдидаги асосий вазифалардан биридир

Азиз АХМАДКУЛОВ

Очиқ акциядорлик-тижорат «Асакабанк»нинг Сирдарё вилояти филиали ҳам ана шу талабдан келиб чиқиб, ўз фаолиятини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 21 млрд. 922 млн. 249 минг сўмдан ошди. Бунда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 79,2 фоизни ташкил этмоқда. Эътиборлиси, вилоятдаги кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорлар банк томонидан изчил қўллаб-қувватланмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида ана шу мақсадлар учун 4 млрд. 891,4 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Сирдарёлик «Асакабанк»чилар томонидан ўтказилаётган кредит сиёсати ва унинг амалий самарасини ҳам барча соҳаларда кўриш мумкин. Жумладан, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни тўлдириш ҳамда аҳолининг бу борадаги ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 674,9 млн. сўм, нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 952,6 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароит яратиш ҳам кун тартибдаги муҳим маса-



лалардан биридир. Шунинг учун ҳам банк тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 120,4 млн. сўм миқдоридagi кредит маблағи айнан шу соҳага йўналтирилди. Натижада вилоятда 14 нафар аёлнинг иш билан таъминланишига эришилди.

Филиал жамоаси айни кунда янги режалар билан яшамоқда. Мақсад мижозлар оғирини енгил қилиш ҳамда уларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишдир. Ҳозир жойларда банкнинг коммунал тўловларни қабул қилишга мўлжалланган 3 та махсус кассаси ишлаб турибди. Жорий йилнинг

ўтган беш ойи мобайнида ушбу соҳа бўйича тушумлар миқдори 189 млн. сўмни ташкил этди.

Кўрсатилаётган хизматлар ичида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ҳам муҳим ўрин тутди, албатта. Маълумотларга қараганда, жами омонатлар қолдиғи йил бошига нисбатан 323,1 млн. сўмга кўпайган.

Маълумки, юртимизда ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш ўз самарасини бермоқда. Шу боис улар сони кўпайиб, барча ҳудудларда, хусусан, қишлоқларда электрон савдо учун янада кенг қулайликлар яратилапти. Энг

асосийси, аҳолининг ушбу тўлов воситасига бўлган қизиқиши ва ишончи ортиб бораёттир. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 417 та корхона ва ташкилотга иш ҳақи лойиҳаси тақдим этилиб, тўлов пластик карточкалар орқали амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, «Асакабанк»нинг Сирдарё вилоят филиалида хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Банк кўмагидан баҳраманд бўлган қўллаб тадбиркорларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйиб, вилоят иқтисодиётининг ривожланишига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Депутатлик сўрови реал натижалар бермоқда

Халқ депутатлари Бухоро туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари депутатлик сўровларидан унумли фойдаланмоқдалар. Бирок...

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

— Айни пайтда туман кенгашига сайланган 17 нафар депутатимиз Президентимиз Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ва ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилишга асосий эътибор қаратмоқдалар, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раиси Улмас Раҳматов. — Депутатларимизнинг сайловчилар мурожаатлари юзасидан мутасадди идораларга депутатлик сўровномаларини юбориш ва улар ижросини қатъий назоратга олишлари ҳам фаолиятимизда яхши самара берапти.

Жумладан, ўтган 5 ойда турли идора ва ташкилотларга 49 та сўровнома юборилган бўлса, уларда кўтарилган акарият масалалар ижобий ечим топди.

Масалан, Раҳмат Иноятва «Сохибкор» қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси тоза ичимли сув масаласидаги айрим муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш юзасидан мурожаат қилган, депутат аралашуви билан ҳудудга сув қувурлари тортилди. Ёки депутат Зулфия Абдуллаеванинг «Қавола Маҳмуд» қишлоғидаги дорихонага терминал ўрнатиш юзасидан «Қишлоққурилишбанк» мурожаати ҳам ижобий натижа берди. Бундан ташқари, О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларида Мухаррам Мирзаева, Ўткир Бобожонов, Бахтиёр Шерипов, Фахриддин Исмаилов ҳам сайловчилар мурожаатига тезкор муносабат билдириб, мавжуд муаммоларни ҳал этишга жиддий ёндашмоқдалар.

Натижада Чорбакр аҳоли пунктидан Бухоро шаҳригача автобус қатновини ташкил этиш, фуқароларга ер участкалари ажратиш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масалалари ижобий ҳал этилди.

Лекин, афсуски, тумандаги барча ташкилот ва муассасалар раҳбарларини ҳам депутатлик сўровларига етарли даражада эътибор қаратаётдилар, деб бўлмайди. Масалан, ўтган давр ичида мутасадди идораларга юборил-



ган 49 та сўровнинг 6 тасига ҳеч қандай муносабат билдирилмаган. Жумладан, «Новемтан» ҚФЙ да истиқомат қилувчи аҳолининг депутат Ф.Исмаиловга мурожаати ўз вақтида текшириб чиқилган, туман газлаштириш идорасига депутатлик сўрови юборилган эди. Аммо шу кунгача мазкур идора ва «Сув оқова» ташкилоти раҳбарлари депутат мурожаатига беписандлик билан қарамоқдалар.

«Янгиобод», Қози Саид қишлоқларидаги муаммолар қайд этилган сўровларга ҳам айрим идораларнинг мутасаддилари ана шундай муносабат билдираётдилар. Ушбу ташкилотлар раҳбарлари ё тегишли қонунларни билмайдилар ёки бўлиб туриб, уларга амал қилишни исташмапти.

— Мазкур масалани очиқ қолдириб бўлмайди, — деди Улмас Раҳматов. — Бу ҳақда туман прокуратурасига ҳам тегишли ҳужжатлар тайёрлаб қўйдик. Агар қайта юборилган депутат сўровларига ҳам жавоб қайтарилмаса, масала қатъий қўйилади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, депутатлик гуруҳининг ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан жойларда уч-

рашувлар ташкил этиш тадбирлари ҳам ўз самарасини бермоқда. Бундай учрашув ва мулоқотларда, асосан хусусий тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес вакиллари йўлланган бўлган муаммолар ўртага ташланиб, уларнинг акариятига ижобий ечим топишига эришилмоқда.

Хусусан, кенгашнинг туман прокуратураси билан ҳамкорлигидаги тадбирлари, давлат солиқ инспекцияси, тижорат банклари ходимлари билан ўтказган учрашувлари айниқса самарали кечаяпти.

Албатта, тезкор ва шиддатли даврда жойлардаги айрим камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, муаммоларни атрофлича кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этилишига эришиш турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг узвий қисмидир. Бу нафақат депутатлик гуруҳларидан, балки иқтисодий ислохотларнинг боришига бевосита дахлдор бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ана шундай юксак масъулиятни ҳис этган корхоналарда эса лоқайдлик ва бепарволикка барҳам берилди. Бунинг Бухоро туманида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳам кўрсатиб турибди.

Qishloq Qurilish Bank

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланиши, янги иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантириш мақсадида банк томонидан имтиёзли шартлар асосида молиявий кўмак бериш борасидаги тадбирлар доирасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида

**“Энг яхши инновацион лойиҳа”,
“Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,
“Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”,
“Энг яхши ёш тадбиркор”,
“Энг яхши аёл тадбиркор”,
“Энг яхши инвестицион лойиҳа”
номинациялари бўйича кўрик-танлов эълон қилинади.**

Танлов шартлари:

1. Танлов иштирокчиси	Кўрик-танловда қатнашиш учун ариза берилган кунда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари.
2. Бизнес-режаларни қабул қилувчи	ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг барча минтақавий ва туман филиаллари.
3. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати	2011 йил 1 июлгача.
4. Танлов ғолибларини эълон қилиш муддати	Мустақиллик байрами арафасида.
5. Ютуқлар	Танлов ғолиблари махсус диплом, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади ҳамда банк кредитларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Мурожаат учун телефонлар:

Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари	Минтақавий филиаллар	Телефон рақамлари
Корақалпоғистон минтақавий филиали	(361) 223-72-19, 770-61-66	Самарқанд минтақавий филиали	(366) 221-57-55, 210-02-56
Анджон минтақавий филиали	(374) 225-80-49, 298-04-55	Сурхондарё минтақавий филиали	(376) 227-51-67, 770-83-65
Бухоро минтақавий филиали	(365) 223-58-86, 770-00-80	Сирдарё минтақавий филиали	(367) 225-22-70, 221-00-60
Жиззах минтақавий филиали	(372) 223-55-08, 771-63-33	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(371) 252-27-20, 150-79-10
Қашқадарё минтақавий филиали	(375) 223-18-85, 223-10-73	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	(371) 236-70-60, 150-77-02
Навоий минтақавий филиали	(436) 224-98-01, 770-27-95	Фарғона минтақавий филиали	(373) 222-56-64, 222-82-01
Наманган минтақавий филиали	(369) 223-04-35, 223-04-33	Хоразм минтақавий филиали	(362) 227-27-90, 770-43-80

Кўшимча маълумотни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
100060, Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» ҳўчаси, 36.
Телефон (+99871) 150-76-57, 150-76-45
Ахборот маркази: (+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz

Энди ЙПХнинг иши камайди

2011 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб ваколатли давлат идоралари томонидан тегишли қонун-қодалар талабларини бузган ҳайдовчилардан олиб қўйилган транспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари хусусий компаниялар иштиёрига ўтказилган бўлди. Шу ўринда транспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларига келтириш ҳам хусусий корхоналар зиммасига юклатилишини таъкидлаш жоиз.



Мутахассисларнинг айтишича, ушбу чора-тадбирлар вақтинча олиб қўйилган автомобилларни келтириш, жойлаштириш ва сақлаш

жараёнларида қонунчиликни таъминлаш; санитария талаблари ва ёнгинга қарши ҳаёфсизлик чораларига қатъий амал қилиниши бўйича жавобгарликни кучайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сизга иккилашмай бизга мурожаат этинг!

Маъзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасу-6 даҳаси 19-Г җй.
Телефон (871) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

Аср вабоси

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда ОИВ инфекцияси билан яшаётганлар 33,3 миллион нафарни ташкил этмоқда. Ҳар йили жаҳонда 2,6 миллион киши ОИВ инфекциясини юктираётган бўлса, 1,8 миллион нафари мазкур инфекция асоратларидан вафот этмоқда. Энг ёмони, 430 минг нафар бемор 15 ёшгача бўлган болалардир

Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ

Мазкур хасталик аниқланганидан буён ўтган салкам 30 йил мобайнида тинимсиз изланишлар олиб борилаётганига қарамай, уни тўла даволоччи восита топилмапти. Ҳозирда қўлланилаётган вирусга қарши дорилар — антиретровирус (АРВ) препаратлари бемор умрини муайян вақтга узайтириб, қонда вирус юкласини сусайтирмоқда ва бошқаларга касаллик юктириш хавфини бир мунча камайтираётти. Бироқ касалликни келтириб чиқарувчи вирус ўзининг генетик тизимини жуда тез ўзгартириш хусусиятига эга экани сабабли унинг юктирилиши олдинчи оловчи вакциналар ҳалигача топилгани йўқ.

Тахлилчи олимлар бу борада ниҳоятда хавотирли маълумотларни эълон қилмоқдалар. Хусусан, улар 2015 йилга бориб ОИТС 74 миллион кишининг ҳаётига зомин бўлишини таъкидлаётдилар.

Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Эфиопия, Нигерия, Мозамбик, Кения, Зимбабве, АКШ, Россия ва Хитой каби «аср вабоси» энг кўп тарқалган мамлакатлар саналаётгани ҳам ушбу вирус қандай чегараларни «забт» эта олишидан далолат бериб турибди. Энг аянчли аҳволга тушиб қолган Африка қитъасида эса ҳар куни 1000 нафар гўдак она қони ва сути орқали аср ўлатига дучор бўлмоқда.

Жаҳон микёсида ташкил этилаётган тадбирлар, «тарғибот-ташвиқот машиналари»нинг муттасил ишлаши, ОИВ олдини олишга қаратилган жамоат дастурларини мустаҳкамлаш, ОИВ/ОИТСнинг барча жиҳатлари ҳақида маълумот бериш ва ўқитиш, шунингдек, эпидемияга йўлиққанларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш каби саъй-ҳаракатларга қарамай, муаммо орта чекингани йўқ. Аксинча, дунё ҳамон ОИТС билан ёнма-ён яшамоқда.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида Ер қуррагининг қайси ҳудудда истиқомат қилиши, жинси, ирқи ва яшаш тарзидан қатъий назар, 2 миллион одам ОИТСнинг «ўлим чалғиси»дан ўтди. Жорий йилда яна 2,5 миллион кишида ОИВ инфекцияси борлиги аниқланди.

Тўғри, кейинги йилларда олимлар ва шифокорлар ОИТСга қарши турли дори-дармонлар ўйлаб топмоқдалар. Улардан баъзилари хатто бу касалликка қарши курашиш мумкин, деган умидларни ҳам уйғота бошладилар. Аммо улар етарли даражада самара бераётти, дейиш қийин. Бу дардга чалинганларнинг хатто кенгайиб қолганлари ҳам анчиқ ҳақиқатдир. Бундан ҳам ёмони, ишлаш учун монелик қилувчи касаллик унга йўлиққанларнинг ижтимоий аҳолини баттар оғирлаштираётти. Бундай тақ-

дир Шарқий Европа ва МДХдаги ОИТСга чалинган 1,5 миллион нафардан ортиқ аҳоли учун ҳам беғона эмас.

Мазкур хасталик дастлаб асосан Африка мамлакатларида кенг тарқалган бўлса, (Конго Демократик Республикаси, яъни собиқ Заирда ОИВга чалинганлар сони 12 млн. нафардан ошган. Бу умумий аҳолининг 37,5 фоиз дега-

Россия ва Украинада кўпгаб гиёҳвандлар ана шу вирусга кўпроқ йўлиқмоқдалар, — дейди таниқли шифокор.

Евроосиё минтақасида ОИТС кўламининг тобора кенгайиши, мутахассисларнинг фикрича, асосан Россия ва Украинадаги вазиятнинг ёмонлашгани билан боғлиқдир. Ҳар икки давлатда вируснинг ёйилишига томмига игна

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, биргина ўтган йилнинг ўзида Ер қуррагининг қайси ҳудудда истиқомат қилиши, жинси, ирқи ва яшаш тарзидан қатъий назар, 2 миллион одам ОИТСнинг «ўлим чалғиси»дан ўтди. Жорий йилда яна 2,5 миллион кишида ОИВ инфекцияси борлиги аниқланди.

нидир) эндиликда у Россия, Украина, Беларусь ва Қозоғистонда ҳам яшин тезлигида кўпайиб бормоқда.

Аввалбошда бесоқолбоз эркаклар касали, дейном олган эпидемия айни пайтга келиб унга мубтало бўлганларнинг 50 фоизини аёллар ташкил этаётганини кўрсатмоқда. Россиядаги ОИТСга қарши кураш маркази раҳбари Вадим Покровскийнинг фикрича, бу борада турли давлатлардаги ҳолат турличадир.

— АКШ ва бошқа Фарб мамлакатларида ОИТСга чалинганларнинг аксарияти бесоқолбозлардир. Россияда бундайлар сони нисбатан кам. Испания,

санчиш орқали наркотик моддалар истеъмол қилишнинг кўпайгани, касалликка қарши муолажага ҳаммагани ҳам, айниқса, камбағал қатламнинг қурби етмаслиги сабаб бўлмоқда.

Россия Федерацияси расмийларининг маълумотига қараганда, 2010 йил якунига кўра мамлакатда ОИВ инфекциясига чалинган 529,3 минг нафар одам рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 4,56 минг нафари 15 ёшгача бўлган болалардир. Бу эса шундоқ ҳам демографик муаммо исканжасида қолган мамлакат учун янада мушкул аҳволни юзага келтириши эҳтимолдан ҳоли эмас.



UNAIDSнинг БМТ билан биргаликдаги йиллик ҳисоботида таъкидланганидек, 1999 йилдан то 2009 йилгача қўрилган эҳтиёт чоралари натижасида ОИВ инфекциясининг тарқалиш суръатлари 20 фоизга камайган. 2001 йилдан бери бу кўрсаткич Марказий Африкада 15, Шарқий Осийда 25 ва Жануби-Шарқий Осийда 10 фоизга камайган.

Бедаво дарднинг оз миқдорда бўлса-да, камайгани яхши, албатта. Лекин уни бутунлай тўхтатса бўладими, деган савол кўпчиликини ташвишга солаётгани аниқ.

Мутахассисларнинг фикрича, бунга эришиш, энг аввало, инсоннинг

ўзига боғлиқ. Ҳар ким ўз ҳаётини ўзи асрамоғи лозим. Бунинг учун у соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, тасодифий алоқалардан тийилиши, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслиги керак. Бундан ташқари, танага ҳар хил чизгилар чизиш, яъни татуировка қўйиш ҳам ОИТСнинг урчиб боришига сабаб бўлаётган омиллардан экан. Минг афсусли, айрим қизлар, хатто йигитларимиз ҳам ўзларига ортиқча бино қўйиб, қолаверса, ташқи гўзалликни ошириш, ҳусни кўз-кўз қилиш мақсадида ясама қош-кўз, лаб қўйиш — татуажлардан фойдаланишга ружу қўйишлари ва бунинг кундан-кунга урфга айланиб борётгани ОИВ инфекциясининг юқиш йўлларида биридир. Хуллас, бугун

маънавият ва маърифат масалаларига эътиборни кучайтириш, ёшларни турли ноҳозис йўлларга киришининг олдини олишга қаратилган тарбияни кучайтириш долзарб вазифага айланмоқда. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашларича, ОИТСни келтириб чиқарувчи асосий воситалардан бири гиёҳванд моддаларга ружу қўйишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, наркотик етиштириш бўйича дунёда карбонбошлик қилаётган, беқарорлик ўчоғи бўлиб қолаётган Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бошқаларга хавф туғдирмайдиган мамлакатга айлантириш борасида халқаро минбарлардан илгари сурйлаётган тақлифлар бежиз эмаслиги яна бир қар-

ра аён бўлади. Йиллар мобайнида тинчлик ва осойишталик нималигини билмай келаётган мамлакатда гиёҳванд моддалар экиладиган майдонларнинг кенгайиб бораётгани, етиштирилаётган «оқ ажал» миқдорининг камаймаётгани ҳам халқаро жамоатчиликни ўйлантираётган жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Экспертларнинг фикрича, муқобил даромад манбаи яратиш учун афғон деҳқонларига ёрдам кўлайитрилган тақдирдагина бу муаммо ижобий ечим топиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу дардни даволашга замонавий тиббиёт ожиз экан, унинг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқ зарур. Буни эса ҳамма билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ



Хабарларга кўра, Беларуссия ҳукумати айрим маҳсулотларнинг Божхона иттифоқи ташқарисига чиқарилишини тақиқлади. Давлат божхона қўмитасининг қайд этишича, мазкур қарор мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Мамлакатдан ташқарига чиқарилиши вақтинча тўхтатилган товарлар қаторига маиший музлатгичлар, музхоналар, газ плиталари, ёрма ва макарон маҳсулотлари киради. Бошқа айрим маҳсулотлар учун ҳам олиб чиқиш меъёрлари белгиланган бўлиб, тегишли миқдордан ошиб кетган ҳолатда уларга махсус тўлов жорий этилади.

Кулоқсиз қуённинг АЭСга алоқаси йўқ...ми?

Интернет хабарига кўра, Японияда «Фукусима-1» воқеасидан сўнг илк мартаба жониворларнинг мутацияга учраш ҳолати кузатилган. АЭСдан 30 километр узоқликда кулоқлари йўқ қуён туғилган. Мазкур воқеа содир бўлган жойда истиқомат қилувчи аҳоли эса келажақда туғилажак болаларидан хавотирга тушмоқдалар. Япон олимлари ушбу воқеа сабабини АЭСдан тарқаган радиация билан боғламоқдалар. Бироқ дунёдаги бошқа тиббий генетика мутахассислари бундай хулосага келиш ҳали эрталигини таъкидлашмоқда. Бунга Чернобыль воқеасидан кейин туғилган икки бошли чўчка воқеасини мисол қилиб келтиришяпти. Ушунда жонивор текшириб қўрилганда, радиация таъсир этмагани маълум бўлган экан.

Навбат донли экинларга



Куни кеча Германия ҳукумати помидор ва бодринг E.coli инфекциясини келтириб чиқариши мумкин эканлиги ҳақидаги огоҳлантиришларни бекор қилди. Мамлакатдаги Роберт Кох номидаги юқумли касалликлар илмий-текшириш институти мутахассисларининг аниқлашларича, сабзавотлар таркибидан 29 нафар германиялик ва битта шведиялик фуқаронинг умрига зомин бўлган E.coli ичак таёқчаси топилмаган. Бир гуруҳ немис олимлари эса касаллик манбаи сифатида донли ва дуккакли ўсимликларни кўрсатишмоқда.

Даврий жадвал катаклари иккитага ортди



АКШ ҳамда россиялик олимларнинг сайъ-ҳаракатлари билан Менделеев жадвалида иккита янги кимёвий элемент пайдо бўлди. Моддалар 114 ва 116 рақамлар билан белгиланган мазкур моддалар устида тадқиқотлар бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган бўлса-да, фақат шу йилга келиб Халқаро амалий ва назарий кимё иттифоқи томонидан расман тасдиқланди. Янги кимёвий элементлар «ununquadium» ва «ununhexium» деб номланган. Кашфиёт Ядровий тадқиқот институтлар Бирлашмаси ҳамда Ливермор миллий лабораторияси (Калифорния, АКШ) олимлари томонидан яратилган.

АГРОБАНК
AGROBANK

«Fitch Ratings»

**нуфузли халқаро рейтинг агентлиги
2011 йилнинг июнь ойида
«АГРОБАНК» очиқ акциядорлик
тижорат банкининг
халқаро кредит рейтинг
истиқболлини**

**«Барқарор»
даражада тасдиқлади.**

**Бизнесингиз ривожини сари
барқарор ҳамкорни танланг!**

